
Президент ташаббуси амалда: Шодлик ва Хайдаробод маҳаллаларида яшовчи рўзадорлар, эҳтиёжманд оилаларга ҳам Рамазон файзу барокати улашилди

Муборак Рамазон ойи муносабати билан Ўзбекистон туманидаги барча маҳаллаларда кам таъминланган оилалар, кекса отахон ва онахонлар учун ифторлик дастурхонлари ёзилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу меҳр-оқибат ва саховат тадбири Шодлик ҳамда Хайдаробод маҳаллаларида истиқомат қилувчи рўзадорлар, эҳтиёжманд оилалар вакиллари учун ҳам ташкилланди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди кўмагида "Дийдор" тантаналар мажмуасида ўтказилган ифторлик маросимида Ватанимизга тинчлик, жойларда амалга оширилаётган улкан ислохотларга бардавомлик, ҳар бир хонадонга файзу барокат тилаб, дуо қилинди. Юртимизда юз бераётган беқиёс ўзгаришлар, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликлар, жойларда кенг қулоч ёзаётган миллий қадрият ва анъаналаримизнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни сингари мавзуларда дилдан суҳбатлашди.

2023-04-02 00:08:40